

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

Хусенов Муроджон Зохирович

(Бухоро давлат университети Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар кафедраси ўқитувчisi E-mail: m.z.xusenov@buxdu.uz)

Шарипова Лобар Олимовна

(Бухоро давлат университети “Умумий ва ноорганик кимё” кафедраси ўқитувчisi E-mail: l.o.sharipova@buxdu.uz)

Аннотация: Ушбу мақола Олий таълим муассасаларида яратилаётган шароитлардан мақсадли фойдаланиш, таълим сифатини ошириш имконини берувчи замонавий иш тажрибалар, ўқитишнинг илгор ёндашувларини оммалаштириш, ўкув жараёнида ахборот технологияларини қўллашнинг педагогик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган тадбирлар, ҳамда олдимиизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланиши айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: замонавий таълим, когнитив ўкув, психомотор ўкув, аффектив ўкув.

Аннотация: В данной статье отмечается целенаправленное использование созданных в высших учебных заведениях условий, современного опыта работы, позволяющего повысить качество образования, популяризация передовых подходов к обучению, деятельность, направленная на решение педагогических задач использования информационных технологий в образовательном процессе и упоминаются важные задачи, стоящие перед нами.

Ключевые слова: современное образование, когнитивное обучение, психомоторное обучение, аффективное обучение.

Abstract: This article notes the purposeful use of the conditions created in higher educational institutions, modern work experience that allows to improve the quality of education, the popularization of advanced approaches to learning, activities aimed at solving the pedagogical problems of using information technology in the educational process and mentions the important tasks facing us.

Key words: modern education, cognitive learning, psychomotor learning, affective learning.

Талабаларнинг таълим босқичларида жамиятнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган билимларни эгаллаши таълимини амалга ошириш билан юзага чиқади.

Хозирда мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга назар соладиган бўлсак, кўплаб соҳалар қатори таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилаётганинг гувоҳи бўламиз. Таълим соҳасини янада яхшилаш, инновацион педагогик технологиялар ва янгича усуллар асосида дарсларни қизиқарли олиб бориш эса нафақат давлат, балки бутун бир жамиятни тараққиёт сари етаклайди.

Таълим муассасаларида дарсларни қизиқарли ташкил этиш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат, салоҳият ва инновацион педагогик технологияларни талаб қилади. Аввало биз педагогик инновацион технология нима эканлиги, унинг қандай самарали томонлари мавжудлиги, қандай педагогик технология ва методик услублар талаба ёшларни илм олишга бўлган иштиёқини янада оширишда қўл келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Замонавий таълимни ташкил этишда виртуал ва 3D технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Талабаларда муайян фаолият юзасидан эгалланган назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда виртуал ва 3D технологиялар ўзига хос ўрин тутади. Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаш ниҳоятда қулай бўлган бир қатор виртуал ва 3D технологиялар яратилгандир.

Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савияси, гурух ҳарактери, шароитга қараб, ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки компьютер билан ишлаш лозимdir, балки фильм(ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар) керак бўлар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ. Шу билан бирга, ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқув предметининг ўзига хос томони, жой ва шароитни, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олиши назардан қочмаслиги керак. Шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, талабани таълимнинг юқори чўққисига олиб чиқиш керак.

Замонавий педагогик технологиялар қўллаш жараёнида талабалар:

- когнитив ўқув мақсадлари соҳасида – назарий билимларни олади;
- психомотор ўқув мақсадлари соҳасида – олган назарий билимларини турли машқларни бажариш орқали мустаҳкамлайди;
- аффектив ўқув мақсадлари соҳасида – уларда келажаккакка умидворлик ҳисси уйғонади.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб, ўтилган кимё дарсидан сўнг талабаларнинг кимё фанига бўлган қизиқишлиари янада ортади ва дарс замон талаби дарражасига жавоб бера олади. Ушбу ишда ташкилий ҳарактерга эга бўлган тавсияларни ишлаб чиқиш орқали Олий таълимда кимё талабаларни кимё фанини ўқитиш жараёнида экологик тарбиялашнинг замонавий технологияларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Кимё ўқитиши методикаси. Н.Ғ.Раҳматуллаев, Н.Т.Омонов, Ш.М.Миркомилов. Тошкент. 2013 й.
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч. -Т.:“Ўзбекистон” 2008 й.
3. “Кимё фанини ўқитишида замонавий педагогик технологиялар” журнали. 2021 й
4. Л.О.Шарипова., М.З.Хусенов. Юксак маънавиятли ёшлар жамиятнинг таянчидир. International science journal issue 12 (33) Part 2 Б. 177-181.
5. Л.О.Шарипова., Б.О.Шарипова. Ўқитувчиларда маънавий –моддий уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти. Илмий –назарий ва методик журнал. 5 –сон. 2020 й. Б.81-84.
6. Л.О.Шарипова. Кимёвий хавфли объектларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини тъминлаш усуллари. Замонавий кимёнинг долзарб муаммолари тўплами материаллари 4-5 декабр 2020. Б.41–43.
7. Л.О.Шарипова. ПРОБЛЕМЫ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ И ЭКОЛОГИИ. «ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ АКМЕОЛОГИЯ» международный научно-методический журнал (1) 2022 г.